

12-1-2019

## THE CURRENT STATE OF MICROFINANCE SERVICES TO AGRICULTURAL PRODUCERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

D. Muradova

*Tashkent Financial Institute*

Z. Adilova

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Muradova, D. and Adilova, Z. (2019) "THE CURRENT STATE OF MICROFINANCE SERVICES TO AGRICULTURAL PRODUCERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## THE CURRENT STATE OF MICROFINANCE SERVICES TO AGRICULTURAL PRODUCERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

In this article, to enquiry the current situation of agricultural producers in microfinance and to develop proposals and recommendations for their improvement.

**Key words:** microfinance, microcredit, microleasing, insurance policy, econometric analysis.

The Resolution of the Board of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan dated March 23, 2018 № PP-3620 "On Additional Measures to Increase Public Offering of Banking Services" and other normative-legal acts in this area. The development of the financing system of agricultural producers' activities in the world economy is a necessary condition for ensuring their sustainability. In this system of financing the microfinance system plays an important role according to the needs of agricultural producers in microcredit, micro leasing services. That is why international financial institutions and commercial banks pay special attention to lending to agricultural producers. In particular, the quantity of loans and microloans by Asian Development Bank as compared with 2016 increased by 14.1% in 2017.

However, a significant part of agricultural producers is vulnerable to cash flows, weakness in their competitiveness, and limited technical and technological renewal capabilities, which are a major problem in microfinance sector.

The World Bank, a prestigious financial institution in international practice, is conducting research to expand the microfinance of agricultural producers. As a result of these researches, the focus is on selective lending to the agricultural producers in rendering micro financial services, preferential micro credits to business entities, including small farmers, state funding of microfinance by agricultural producers determines the advantages of introducing the national economy.

Due to the experience of the developed countries and their research succession, the disbursement of loans from the state budget is an important factor for the targeted and effective use of the widely used forms of financial support for their activities by the government. The Strategic Action, Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, initiated by the President of the Republic of Uzbekistan, outlines the tasks of "deepening of structural transformation and progressive development of agricultural production ... considerably increasing the export potential of the rural sector". Agricultural producers need material and financial resources to achieve these goals. Nowadays these needs are mainly covered by bank loans.

Furthermore, there is a need to prevent the disparity between the growth of material and technical resources and the rise in prices for agricultural products, increase the creditworthiness of agricultural enterprises, the need for government funding for agricultural producers' microfinance and the need to improve the existing legislation.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the State Program on Implementation of the Year in Support of Entrepreneurship, Innovative Ideas and Technologies" of OP-5308 dated January 22, 2018, Decree № OP -5177 of September 2, 2017 "On liberalizing foreign exchange policy On Measures for Further Expansion and Simplification of Microcrediting System for Small and Private Entrepreneurship ", dated January 31, 2017, DP-2746,

## Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг замонавий ҳолати

Мақолада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштиришга оид таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** микромолия, микрокредит, микролизинг, суғурта полиси, эконометрик таҳлил.

### Современное состояние оказания микрофинансовых услуг сельхозпроизводителям в Республике Узбекистан

В статье является разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование микрофинансирования производителей сельского хозяйства.

**Ключевые слова:** микрофинансирование, микрокредитование, микролизинг, страховой полис, эконометрический анализ

#### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш ... аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” [1] вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж юзага келади. Ушбу эҳтиёжлар ҳозирда асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тармоққа етказиб беришда моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархи ўсиши ўртасидаги диспаритетнинг юзага келишини олдини олиш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиш заруратини келтириб чиқариб ва бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги, фармони, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги

фармони, 2017 йил 31 январдаги ПҚ-2746-сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини ошириш имконини беради [2].

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологиясини такомиллаштириш масалалари юзасидан хорижлик иқтисодчи олимлар – О.Ястребова, А.Субботин [3], Н.Фигуровская [4], Д. Макнотон [5], И.Петренко, П.Чужинов [6], К.Пиплз [7], А.Чирков [8], М.Давид ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган [9].

Бу борадаги айрим масалалар республикамиз иқтисодчи олимлардан А.Боймуратов [10], Д.Таджибаева [11], Ж.Исаков [12], И.Рахманов [13], Л.Зойиров [14], С.Исмаилова [15], И.Алимардонов [16], Қ.Тошматов ва бошқаларнинг илмий ишларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микрокредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган [17].


Иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микрокредитлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларини ўрганиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан, шу жумладан, микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши лозим; учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тармоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархлари ўсиши ўртасидаги диспаритетнинг кучайиб борганлиги, давлат харид нархларининг пастлиги оқибатида аграр секторда ишлаб чиқариш рентабеллиги ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан сезиларли даражада ортда қолмоқда; тўртинчидан, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, шу жумладан МДХ мамлакатларида қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги паст даражада эканлиги кузатилмоқда.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Республикамизда “Агробанк” АТБ ва “Микрокредитбанк” АТБ қишлоқ хўжалигини кредитлаш борасида етакчи банклар ҳисобланади.

“Агробанк” АТБга бутун аграр соҳани молиялаштиришни юкланганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Қуйида “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар тўғрисида фикр юритилади (1-расм).



**1-расм. “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар микдори<sup>1</sup>, млн. сўм**

1-расм маълумотларидан кўринадикки, “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар микдори 2014-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса “Агробанк” АТБ томонидан мазкур соҳада фаолият юритаётган субъектларни микрокредитлашга эътибор кучаяётганлиги ва имтиёзли микрокредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

Қуйидаги жадвалмаълумотлари орқали “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитларнинг фоиз ставкалари даражасига баҳо берамиз.

### 1-жадвал

**“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, қайта молиялаш ставкаси ва инфляциянинг йиллик даражаси<sup>2</sup> (фоизда)**

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	14	13	13	12	12
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	12	10	9	9	14
Инфляциянинг йиллик даражаси	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4

<sup>1</sup>Расм муаллиф томонидан [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz) маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup>Жадвал муаллиф томонидан [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz) маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар нисбатан паст ставкада берилаяпти. Масалан, 2017 йилда мазкур микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан 2 фоизли пунктга паст бўлган. Аммо, 2017 йилда микрокредитларнинг фоиз ставкаси салбий бўлган, яъни инфляция даражасидан паст бўлган. Бу эса “Агробанк” АТБнинг микрокредитлаш амалиётига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Тижорат банклари кредитларининг баҳоси ҳар доим ижобий бўлиши, яъни инфляция даражасидан юқори бўлиши лозим. Шу сабабли тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида реал фоиз ставкаси қўлланилади. Реал фоиз ставкаси кредитнинг номинал фоиз ставкасидаги инфляциянинг ўсган қисмини ҳисобга олган ҳолдаги даражасидир.

Аҳоли тадбиркорлигини кредитлаш жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири кредит олувчи тадбиркорлик субъектининг кредит тўловига лаёқатлилиги ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг пул оқимини заифлиги кредитларнинг таъминотига, шу жумладан, гаров таъминотига эътиборни кучайтириш заруриятини юзага келтиради.

## 2-жадвал

### “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар таъминоти таркиби<sup>3</sup> (фоизда)


Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Кўчмас мулк	8,1	6,7	6,6	7,4	8,7
Асбоб-ускуналар	2,5	3,1	4,3	3,4	3,1
Суғурта полиси	30,4	34,7	40,1	33,2	30,6
Кафолатлар	48,5	50,4	48,5	53,2	56,1
Бошқа таъминот турлари	10,5	5,1	0,5	2,8	1,5
Таъминотлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибида кафолатлар ва суғурта полислари асосий ўрин эгаллайди. Ушбу суғурта полисларининг 90 фоиздан ортиқ қисми давлат суғурта компанияси бўлган “Ўзагросуғурта” АЖ компаниясининг суғурта полисларидир. Бунинг сабаби шундаки, Агробанк томонидан бериладиган кредитлар, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосили учун бериладиган имтиёзли кредитлар “Ўзагросуғурта” АЖ компанияси томонидан суғурта қилинади. “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибида асбоб-ускуналар ва кўчмас

<sup>3</sup>Жадвал муаллиф томонидан [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz) маълумотлари асосида тузилган.

мулк кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса имтиёзли кредитлар миқдорининг кичик эканлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашда юқори ликвидли гаров объектларининг мавжудлиги муҳим ўринга эга. Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида пул оқимининг заифлиги уларни кредитлаш жараёнидаги кредит rischi даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида пул оқимининг заифлиги иқтисодиётда тўловга лаёқатсизлик муаммоси мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш суръати билан саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатлари ўртасидаги номуаносиблик мавжудлиги каби сабаблар билан изоҳланади.



**2-расм. “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар учун олинган таъминот миқдори<sup>4</sup>, млрд. сўм**

2-расм маълумотларидан кўринадики, 2012-2017 йилларда “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитлар учун олинган таъминот миқдори ошиб борган. Бу эса, мазкур давр мобайнида берилган микрокредитлар миқдорининг ошиб борганлиги билан изоҳланади.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банкларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микромолиялаш амалиётига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири бўлиб, банкларнинг депозит базасини етарлилиги ҳисобланади. Республикамиз тижорат банкларининг депозит базаси етарли эмас. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинadиган депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Тараққий этган мамлакатлар банк амалиётида тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини таъминлашга катта эътибор қаратилади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали “Микрокредитбанк” АТБнинг имтиёзли микролизинг хизматига баҳо берамиз.

### 3-жадвал

**“Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли микролизинг хизмати<sup>5</sup>**

Йиллар	2017 йилда
--------	------------


<sup>4</sup>Расм муаллиф томонидан [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz) маълумотлари асосида тузилган.

<sup>5</sup>Жадвал муаллиф томонидан “Микрокредитбанк” АТБнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.



	2013	2014	2015	2016	2017	2013 йилга нисбатан ўзгариши
Микролизинг, млрд. сўм	45,2	30,6	22,9	16,8	5,4	11,9 %
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизинг, млрд. сўм	1,5	0,9	1,1	0,6	0,2	13,3 %
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизингнинг микролизинг хизмати умумий ҳажмидаги салмоғи, %	3,4	3,1	4,7	3,6	2,8	-0,6 ф.п.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2017 йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажмининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бундан ташқари, мазкур хизматлар ҳажми 2017 йилда 2013 йилга нисбатан юқори даражада (88,1 %) камайган. Бу эса “Микрокредитбанк” АТБнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаолиятини ривожлантиришдаги роли пасайиб бораётганлигидан далолат беради. 2013-2017 йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизинг хизматларининг жами микролизинг хизматлари ҳажмидаги салмоғи жуда кичик бўлган. Бу эса “Микрокредитбанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микролизинг хизмати кўрсатишга эътибор суст эканлигидан далолат беради.



**3-расм. “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматининг умумий ҳажмида мuddати ўтган микролизингнинг улуши<sup>6</sup>, %**

3-расм маълумотларидан кўринадики, “Микрокредитбанк” АТБ томонидан 2013-2017 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматининг умумий ҳажмида мuddати ўтган микролизингнинг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Банкнинг микролизинг хизмати кўрсатиш имкониятини чекланиб қолишига сабаб бўлган. Натижада, мазкур йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан

<sup>6</sup> Жадвал муаллиф томонидан “Микрокредитбанк” АТБнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматининг ҳажми қисқариб борган.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

2014-2017 йилларда “Агробанк” АТБ томонидан фермер хўжаликларига пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун берилган имтиёзли кредитлар миқдорининг ўсиш тенденциясини кузатилганлиги ушбу давр мобайнида пахта ва ғалланинг харид нархларини ошиб борганлиги билан изоҳланади.

“Агробанк” АТБнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлари миқдори таҳлил қилинган давр мобайнида беқарор бўлгани ҳолда, мазкур кредитлар миқдорининг кескин ошиши 2015 йилда кузатилган.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар миқдорини 2014-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги “Агробанк” АТБ томонидан мазкур соҳада фаолият юритаётган субъектларни микрокредитлашга эътиборни кучаяётганлигидан ва имтиёзли микрокредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар нисбатан паст ставкада берилаяпти. 2017 йилда мазкур микрокредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан 2 фоизли пунктга паст бўлган. Аммо, 2017 йилда микрокредитларнинг фоиз ставкаси салбий бўлган, яъни инфляция даражасидан паст бўлган.

2013-2017 йилларда “Агробанк” АТБ томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибини таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики, биринчидан, деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибида кафолатлар ва суғурта полислари асосий ўрин эгаллайди. Ушбу суғурта полисларининг 90 фоиздан ортиқ қисми давлат суғурта компанияси бўлган “Ўзагросуғурта” АЖ компаниясининг суғурта полисларидир. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитларнинг таъминоти таркибида асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк кичик салмоқни эгаллайди.

2013-2017 йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳажмининг пасайиш тенденциясини кузатилганлиги, мазкур хизматлар ҳажми 2017 йилда 2013 йилга нисбатан юқори даражада (88,1%) камайганлиги ушбу банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришдаги ролини пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

2013-2017 йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилган микролизинг хизматларининг жами микролизинг хизматлари ҳажмидаги салмоғини жуда кичик бўлганлиги

мазкур банк томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига микролизинг хизмати кўрсатишга эътиборни сушт эканлигидан далолат беради.

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан 2013-2017 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматининг умумий ҳажмида муддати ўтган микролизингнинг улушини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги Банкнинг микролизинг хизмати кўрсатиш имкониятини чеклаиб қолишига сабаб бўлди ва пировард натижада, мазкур йилларда “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микролизинг хизматининг ҳажми қисқариб борди.

“Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалигига берилган микрокредитларга таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси” даПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 7 июнь. ПҚ-3777. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида//ҚХММБ: 07/18/3777/1325-сон.
3. Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита // Вопросы экономики. –Москва, 2005. –№6.25 с;
4. Фигуровская Н. Современное состояние сельского хозяйства требует результативных действий государства // Экономист.- Москва, 2009.–№8.–43с.;
5. МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. В 2-х т. - Вашингтон: ИЭР Всемирного банка, 1994.–323 с;
6. Петренко И.Я., Чужинев П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. –Алма-Ата: Кайнар, 1992. –434-437с.;
7. Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России // Вопросы экономики. –Москва, 1997. - №8. –156с
8. Чирков А.В Особенности правового регулирования микрофинансовой деятельности микрофинансовых организаций к.э.н автореф..–Москва, 2017. – 18-б.;
9. David M. "Mobile Financial Services in Disaster Relief: Modeling Sustainability". Technologies for Development. Springer, Cham. pp. 45–54. ISBN 978-3-319-16246-1. (2015-01-01).
10. Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф..–Тошкент, 2008. –13-б.;

- 11.**Таджибаева. Д.А, Муминов. И.О. Микрофинансирование: руководство для микрофинансовых организаций // Тошкент-Молия, 2009. –203с.;
- 12.** Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф.– Тошкент, 2016.–19-20-б.;
- 13.** Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. –16-б.;
- 14.**Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. –14-б.;
- 15.** Исмаилова С.С. Ўзбекистон Агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.– Тошкент, 2009. –15 б.;
- 16.** Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б.29.
- 17.**Тошматов Қ.Ф. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.– Тошкент, 2010. – 14-б.